

O'ZBEKISTON

OYOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 12-IYUN ■ SHANBA ■ 71 (27.246) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

Анжуман

ПАРТИЯ САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Партиянинг сайловолди платформаси» мавзусида республика партиялараро семинар-тренинги ўтказилди. Унда Халқ демократик, «Фидокорлар» Миллий демократик, «Миллий тикланиш» демократик, «Адолат» социал-демократик, Либерал-демократик партиялари етакчилари ва фаоллари иштирок этди.

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад партиялар сайловолди платформасини ишлаб чиқиш, кенг сайловчилар оммаси эътиборини партиялар фаолиятининг устувор йўналишларига жалб қилиш, сайлов кампаниясида аҳолининг турли қатламлари сиёсий фаолигини ошириш истиқболлари борасида тўпланган тажрибаларни тарғиб қилиш ва оммалаштиришдир.

Шунингдек, семинар-тренинг партияларнинг сайловолди платформаларининг, уларда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва маънавий-маърифий масалаларнинг ёритилишини таҳлил этишга ҳам йўналтирилди. Бундан ташқари мазкур тадбир жойларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши, соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ қилиниши ва 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Дастурининг бажарилишига ҳам бағишланди.

Бехзод ШУКУРОВ

ХДПда тадбир

ЛИДЕР АЁЛЛАР УЧРАШУВИ

Бугун биз ўзгаришлар даврида, сиёсий партиялар жамиятда ўз мақдарида олиб бораётган даврда яшаймиз. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошидаги «Лидер аёллар» шўбаси хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини янада оширишга алоҳида эътиборни қаратмоқда.

Бу борада, айниқса Сирғали туман кенгаши биринчи котиби Лола Исмаилованинг иш тажрибаси ижобий хулосаларга олиб келаяпти. Айни вақтда туман кенгаши бўлажак сайлов компанияларида пухта тайёргарлик қилиш билан бирга халқ орасига чўқур кириб бориб, маҳалла аҳолиси билан учрашувлар ўтказаяпти. Яши томони шундаки, жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш ва маҳаллаларда аёллар муаммоларини ўрганишга ҳаракат қилияпти.

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Лидер аёллар» шўбаси аъзолари Олий Мажлис депутати Буритшо Шодиева, Олий Мажлисининг қўмитаси раиси ўринбосари Ойниса Мусурмонова, «Аҳолини ижтимоий мослаштириш» маркази директори Ниғора Мадиева, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси қошидаги «Қалб эътиқоди» даврасининг раиси Муборак Юнусхўжаева ва бошқа лидер аёллар, ЎзХДП Сирғали туман кенгашининг ташаббуси билан туман хотин-қизлари орасида «Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг роли» мавзусида очик мулоқот ўтказди. Тадбирда туманининг фаол аёллари, маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раислари, турли ташкилотлардан вакиллар қатнашдилар. Лидер аёллар депутатларга ўзларини қизиқтирган саволларни бердилар, муаммоларни ўртага ташладилар.

Тадбир қатнашчилари кўтарилган муаммоларни ҳал этиш борасида кўпроқ депутатларнинг мададага умид боғладилар, маънавий муаммолардан тортиб, сайлов кампанияси, партияларнинг жамоат орасидаги нуфузи-ую, сиёсий курашларга ўз муносабатларини билдириб ўтдилар.

Партиянинг «Лидер аёллари» хотин-қизлар орасида сиёсий саводхонликни ошириш масаласида муаммолар мавжудлигини таъкидлаб ўтдилар.

— Биз ҳали бу масалага қайтамиз, — деди тадбир якунида ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Дилором Алиева. — Зотан, жамиятда аёллар етакчи куч, демак, уларнинг муаммолари ҳам долзарбдир.

Саида САЙХУН



«ASNAM TEXTILE» МАҲСУЛОТЛАРИ

Намангандаги «Asnam Textil» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси сифатли маҳсулоти билан аллақачон харидорлар эътиборига тушиб улгурган. Бугунги кунда унинг сержило калава иплари АҚШ, Туркия, Россия каби ўнлаб йирик мамлакатларда муносиб баҳога эга бўлмоқда.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми ортиб бориши билан бирга қўшимча ишчи ўринларини яратишга алоҳида эътибор берилаяпти. Утган йилнинг шу даврида бу ерда 490 нафар ишчи ишлаган бўлса, ҳозир улар сафига яна ўттиз тўрт киши келиб қўшилди. Улар 1166 тонна юқори сифатли калава ишлаб чиқарди.

Жамоанинг ҳажмиҳатлиги корхона фаолияти-да жуда қўл келмоқда. Энг сўнгги нусхадаги йиғирув машиналари билан жиҳозланган цехларда ўзбек қизлари бор маҳоратини ишга солишяпти. Хар бир йиғирувчи қўшма корхона шарофти учун курашни виждон амри деб билади. Чунки бу ерда яратилган қўлай шарт-шароит, моддий манфаатдорлиқнинг турли йўлга қўйилиши ҳам уларни ана шунга даъват этмоқда. Утган йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг 110 фоизга ортиши бунга яққол далилдор.

Суратларда: йиғирувчи Мухаббат Ёқуббоева; ишчилар Мухаббат Қаюмова, Муборак Боймирзаева ва Дилфуза Шарипова.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (Ў.А) олган суратлар



САМАРҚАНДНИНГ САРА ХОМАШЁСИ

Вилоят «кумуш тола» ижодкорлари давлатга пилла хомашёси сотиш бўйича шартномавий режани удраладилар. Пиллакорлар томонидан 1900 тонна қўшмабаҳо саноат хомашёси етиштирилди. Топширилган «кумуш тола»нинг асосий қисми юқори навларга ажратилди. Эришилган галабага Пастдаргом, Ургут, Булунгур туман пиллакорлари муносиб улуш қўшдилар. Хар қути ипак қуртидан ўртача 50-55 килограмдан ҳосил олинди.

Шухрат ҚАРШИЕВ

АНДИЖОННИНГ «КУМУШ ТОЛА»СИ

Андижон вилояти пиллакорлари режага қўра 2236 тонна сара саноат хомашёси етиштирилди. Эрта қўқламдан 41758 қути ипак қурти парварши қилинди. Хар қути ипак қурти ҳисобига 54 килограмдан пилла олинди. Пилланинг сифатига алоҳида эътибор қаратилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ХХР РАИСИНИНГ ЎЗБЕКISTONGA ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 2004 йил 14-18 июнь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.

Ўтказиладиган музокаралар чоғида Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

«ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНАВЕРАДИ»

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ ХУ ЦЗИНЬТАОНИНГ «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИГА ИНТЕРВЬЮСИ



— Жаноб Раис, Хитой сўнгги ўн йилликларда иқтисодиёт, илм-фан, ижтимоий соҳа, маданият ва жамият ҳаётининг барча жаҳазлари даҳас қилса арзигулик юқори ва барқарор тараққиёт суръатларига эришди. Фикрингизча, мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар муваффақиятининг сирини нимада, Хитой тараққиёт стратегияси ва тактикаси нимага асосланади?

— Республикангизга давлат сафарим арасида бўлиб ўтган ушбу мулоқотдан гоат мамнунман. Дўстларим — Ўзбекистон матбуоти вакилларининг Хитой — Ўзбекистон муносабатларига катта эътибори учун ўз миннатдорлигини изҳор қиламан. Авваламбор, «Жаҳон» ахборот агентлиги орқали дўст Ўзбекистон халқига Хитой халқи номидан илиқ саломим ва самимий тилакларимни етказмоқчиман.

Сўнгги 25 йил давомида Хитой илм-фан ва таълим тармоқларида қатъий амал қилиб келаяпти. Социалистик бозор иқтисодиёти тизимининг шаклланиш босқичи якунланаяпти; очик турдаги иқтисодиёт юзага келди; ишлаб чиқариш кучлари ва мамлакатнинг умумий қудрати сезиларли ривожланди; ижтимоий масалалар кенг қўламда ҳал қилинмоқда; халқ ҳаётида умумий ўртаҳоллик даражасига эришишдаги тарихий ўтмиш босқичи якунланди. Хитойдаги бундай оламшумул ўзгаришларнинг замирида, авваламбор, мамлакатнинг ўз социализм қуриш йўлидан оғишмай бораётгани, исло-

хот ва очиклик йўли танлангани, аҳолини фаоллик, ташаббускорлик ва бунёдкорлик руҳига хар томонлама чорлаганимиз ётади, деб биламан. Ҳаёт шўни қўрсатаяптики, бу ривожланиш йўли Хитой воқелигига мос келади ва мамлакатнинг 1,3 млрд. нафар фуқароси томонидан самимий қўллаб-қувватланмоқда.

Хитойнинг истиқболли тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш ва бу борада қабул қилинадиган қарор кенг омма манфаатларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва ривожлантириш мақсадларига қаратилган. Биз катта муваффақиятларга эришдик, лекин Хитойда миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қилади; ишлаб-чиқариш кучлари етарли ва раван даражада ривожлангани боис иқтисодий база кучсиз; мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан атроф-муҳит ва табиий ресурслар масаласи ўртасида жиҳдий келишмовчиликлар мавжуд. Жон бошига ички ялпи маҳсулот кўрсаткичлари минг долларга етган бўлишига қарамай, Хитой жаҳон иерархиясида биринчи юз давлатдан кейинги ўринда турибди. Халқ фазоналиги учун мамлакатни замонавийлаштириш бўйича узок йўл босиш ва сидқидилдан меҳнат қилиш зарур.

Биз Дэн Сяопин назарияси ва «чч томонлама ваколатлик»нинг муҳим гоғларига суянган ҳолда тараққиётнинг илмий асосига қатъий амал қиламиз, яъни инсон манфаатлари йўлида уйғун ва давомий ривожланишни ҳаётга таъбиқ қиламиз.

— Хитойда сўнгги йилларда амалга оширилган ўзгаришларни назарда тутган ҳолда Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилган сўнг амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, давлатимиз раҳбарияти томонидан танланган тараққиёт моделига қандай баҳо берасиз?

— Мустақилликни қўлга киритган, ана ўн икки йилдирки Ўзбекистон халқи мамлакат қудратига катта интилиш сари



сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларда ислохотларни тинмай олда сураётгани ва қувонarli муваффақиятларга эришаётганидан мамнунимиз.

Дўст қўшни сифатида Ўзбекистон халқи томонидан танланган йўлни ҳурмат қиламиз, мамлакатнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустақамлаш, миллий иқтисодиётни тараққиёт этириш бўйича сабий-ҳаракатларни тўлиқнама ва қўллаб-қувватлаймиз. Биз Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларни кенгайтириш, жаҳоннинг бошқа давлатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш бўйича қатъий амалиётларини қувон билан қайд этамиз.

— Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов билан бўлиб ўтадиган музокаралар чоғида қайси мавзуларни муҳокама қилишни режалаштирилмоқдасиз? Бугунги кунда икки мамлакат қайси муаммоларга алоҳида эътибор қаратишлари зарур, деб ўйлайсиз?

— Президент И.А.Каримов тақлифига биноан мен 14 июнда мамлакатингизга давлат ташрифи билан бораман ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент анжуманида иштирок этаман. Мазкур ташриф даврида мен Ўзбекистон раҳбарияти билан икки томонлама ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ўзаро фикр алмашамиз.

3-бет

Газетада босилмади, аммо...

МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги О.Маҳмудов номи ширкат хўжалиги, Маллик қишлоғида истиқомат қилувчи Шукрулло Мухаммадиев ўз мактубида ёлғиз яшаётгани, газ ва электр энергиясининг фойдалангани учун турли тўловлардан озод қилинмагани, ногиронлар арачаси учун навабда тургани тўғрисида ёзиб ёрдам беришни сўраган. Ушбу хат Каттақўрғон туман ҳокимлигига йўланганди. Яқинда жавоб мактуби олдик. Унда, жумладан шундай дейилди:

«Фуқаро Мухаммадиев Шукрулло 1967 йилдан бунён. 1-гурух болаликдан ногиронлик нафақаси олади. 2003 йил 1 майдан бошлаб ойлик нафақаси 14 845 сўми ташкил қилади. Республика Президентининг Фармонида мувофиқ уй-жой, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловлари жорий этилган. Лекин ижтимоий таъминот бўлимида парваршига олинган пенсионерларга компенсация пул тўловлари бериш кўзда тутилмаган. Ногирон Ш.Мухаммадиевга тиббий меҳнат эксперт комиссияси маълумоти бўйича шу йилнинг май ойида ногиронлар арачаси билан таъминлаш режалаштирилди.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан шу йилнинг биринчи чорагида 4 минг сўмдан, жами 12 минг сўм кам таъминланган оилаларнинг моддий ёрдам пули берилди. Коммунал тўловлардан йилгил қолган қарзи... Хўдоборов Муродқўлининг ҳомий сифатида «Мустақил» фермер хўжалиги томонидан қўллаб-қувватланган бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан шу йилнинг 3-чорагида ойига 6 минг сўмдан жами 18 минг сўм ёрдам берилди. Бундан ташқари Ш.Мухаммадиев яшаб турган уй-жой биноси қайта таъмирланганидан бўлди.

Каттақўрғон туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи К.МИЗОМОВ»

ЯНГИ ТЕЛЕМИНОРА

Наманган вилоятининг Чуст туманида янги, замонавий телеминора қад ростламоқда. Баландлиги 167 метр бўладиган ушбу иншоотга 1998 йилда пойдевор қўйилган. Маълум сабабларга қўра тўхтаб қолган қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг эътибори ва вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдами билан бошлаб юборилди.

Водийда ягона ҳисобланадиган ушбу телеминоранинг биринчи навабати шу йил охирига-ча қойдаланишга топширилди. Бу билан Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари, шунингдек Қўрғизистон Республикасининг қўшни вилоятлари аҳолиси учун телевидение, радио ва уяли телефон алоқа тармоқлари хизматининг сифати яхшиланади. Телеминора қурилишида эса Маданият ишлари вазирлигига қарашли махсус илмий таъмир ишлаб чиқариш корхонасининг мутахассис монтажчилари астойдил меҳнат қилишмоқда.

Носиржон ДЕКҚОНОВ

Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган, буюк бобомиз Амир Темури даврини ўрганиш, уни халқимиз орасида кенг тарғиб қилиш қўлаверди. Айниқса, Бу Соҳибқирон таваллудининг 2006 йилда нишонланганидан 670 йилгилга тайёргарлик кетаётган давларда муҳим аҳамият касб этмоқда.

БАРҲАЁТ СИЙМО

Яқинда Раёсатнинг навабдаги йилгиллиши бўлиб ўтди. Бу йил Амир Темури қаламига мансуб машҳур «Темури тузуқлари» ёдгорлиги ёзилганга 600 йил тўлади. Китобнинг иккинчи мақоласи: «Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим...» деган сўзлар билан якунланади. Бу 1404 йил август ойига тўри келиши олимларимиз томони-

дан аниқланган. Шу муносабат билан кузда «Темури тузуқлари» га бағишлаб халқаро конференция ўтказиши, китобнинг безакли нашрини амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Бадий академияси Темурийлар тарихи Давлат музейи билан ҳамкорликда ранг-тасвирда «Темурийликлар» портретларини яратиш ҳақида келишиб олдилар. Ҳозир рес-

публикамининг таниқли расомлари бу борада қизгин иш олиб бормоқдалар. Қўтлуғ санага бағишлаб Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Темурийлар тарихи Давлат музейи томонидан ўқитувчи ва юқори синф ўқувчилари ўртасида «Амир Темури сиймоси халқ эртаклари, достонларида» номи остида қўриқ-танлов ҳам ўтказилди. Йилгиллишда буларнинг барчаси Соҳибқироннинг қўтлуғ 670 йиллик тўйи олдидан амалга оши-

Тарадду

риллажак тадбирлар эканлиги таъкидланди. Раёсат жамғарма фаолиятининг юқоридидагидек маънавий-маърифий ва моддий-моялийий фаолиятига доир бир неча қарорларни тасдиқлади. Йилгиллиши Халқаро Амир Темури хайрия жамғармаси Бошқаруви раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али олиб борди. Мамуржон МАҲМУД

O'ZBEKISTON HAVO YO'LARI
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORIGA HAKMOK!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bija@mail.tps.uz

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

«САДДА»НИНГ

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Тошқоқ туманидаги мажмур фирманинг ташкил этилганга икки йилча бўлди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган адрас, шойи ва атлас маҳсулотлари сифати ва бежиримлиги билан тезда ўз харидорларини топди.

Корхона фаолият бошлашдан олдин «Саноатқурилиш» акциядорлик тижорат банкининг Қирғули бўлимидан 9 миллион сўм кредит олиб, хориждан керакли дастохлар харид қилди. Ишлаб чиқариш маромига қўйилган, 50 нафардан зиёд йигит-қиз янги иш ўринлари билан таъминланди.

Тайёрлаётган маҳсулотларимиз нечоғли харидоргир бўлса, жамоа ҳам шу даражада манфаатдор, — дейди фирма раҳбари Аҳмадали Нигматуллаев. — Айни кунларда жарроҳликда қўлланиладиган капрон иплари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз.

Улар республика травматология ва ортопедия илмий тадқиқот институти мутахассислари томонидан юқори баҳоланди. Ҳозир барча табибиёт муассасаларига ана шундай иплар етказиб беришга ҳам киришдик.



Суратда: (chapдан) йигирув цехи бошлиғи Қобил Ҳамдамов, ишчилар — Доноҳон Ҳўжанбердиева ва Лутфия Аҳмедова. М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

Кучли давлатдан кучли жамият сару

Олий Мажлисининг XIV сессиясида «Сийёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган, одамлар ўртасида ҳар хил саволлар авж олди: «Сийёсий партиялар маблаг билан таъминланган, уларнинг фаолияти кучаядими?», «Сийёсий партиялар ўзини ўзи маблаг билан таъминлашлари маъқул эмасми? Давлат сийёсий партияларни молиялаштириши шартми? Улар давлат томонидан берилмаган маблағларни ўз ўрнида ишлатадиларми?»

Шу вақтга қадар мавжуд сийёсий партиялар ўзини ўзи молиялаштириб келди (фақат сайлов кампаниясида иштирок этиш билан боғлиқ маблағларнинг бир қисми давлат бюджетидан қолланди). Лекин, аъзолик бадалларини йиғиб олишдаги муаммолар (айрим ҳудудларда ойлик маошларни тўлашдаги узилишлар, баъзи бир сийёсий партияларда аъзолар умумий сонининг камлиги), тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўлмаганликлари, кўрсатилмаган хизматлар (транспорт, телефон алоқаси...) ҳақининг ошиб бориши ва бошқа сабаблар сийёсий партияларнинг устав фаолиятини молиялаштиришда

талай қийинчиликлар туғдирди. Рисола, дастур, плакатлари етарли миқдорда чоп этиб, тарқатиш, турли оммавий-сийёсий тадбирларни ўтказиш, замонавий афборот технологияларидан фойдаланиш ҳаттоки, муайян имкониятга

рижий давлатлардагидай икита бўлса етарли эмасми?» деган фикрларга тўхтаб ўтайлик. Маълумки, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига таянган демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини бунёд этишни мақсад қилиб қўйди.

нинг турли гуруҳлари ўз манфаатларини қўлаб, ҳар хил ташкилотларга бирлашадилар. Хотин-қизлар, ёшлар, нафақаткорлар, ўз-ўз эгалари, ёзувчилар, журналистлар, фермерлар, спортчиларнинг ташкилот ва уюшмалари шулар сирасига кирди. Бундай нодавлат ташкилотларнинг сони тобора кўпаймоқда (мам-

сита иштирок этадиган сайловлар орқали юзага келишни ҳисобга олсак, бу — чинакам демократик тартиблар амалда қарор топишининг намойишидир. Айни пайтда, сийёсий партиялар «давлат — жамият — халқ» учлиги доирасида мувозанатни таъминлаш ва асраш имкониятига эга. Бошқа бирон бир нодав-

ётган сийёсий партияларга оқ йўл тилаб, уларнинг дастурлари ва фаолияти жусусида ўз фикр-мулоҳазалари, тавсияларини билдирмоқда, мавжуд сийёсий партияларнинг заифлигига ишора қилиб, уларни фаол ҳаракатга даъват этмоқда. Айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистонда кўппартиялик тизимнинг қарор то-

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР: ЯНГИ ИМКОНИЯТ

эга бўлган Ўзбекистон ХДП учун ҳам аниқгина қийин. Бу сийёсий партиялар заифлиги, сустигининг сабабларидан бири бўлиб келди. Мамлакатимиздаги сийёсий партияларнинг ўтган даврдаги фаолияти, улар қанчалик уринмасин, ҳаракат қилмасин бу жумбоқни мустақил ҳал қила олмадикларини кўрсатди. Демак, давлат бунга аралашши, ёрдам қўлини чўзиши зарур бўлиб қолди. Лекин, айтиш керакки, молиялаштириш муаммосини ечиш сийёсий партияларни фаоллаштиришнинг асосий омилларидан биттасигина ҳолос.

Бундай маррани аллақачон эгаланган Фарбу Шарқнинг ривожланган давлатлари тажрибасидан шу нарса аёнки, тарққийнинг юксак поғонасига кўтарилиш, халқ фаровонлигига эришишнинг муҳим шарти жамиятда демократик тартибларни ўрнатиш бўлса, мохияти халқ ҳокимияти бўлган демократияни бунёд этишнинг муҳим талабларидан бири сийёсий партияларнинг мавжудлиги ва ўшқин фаолият кўрсатишидир.

Нега айнан сийёсий партиялар, ахир демократик мамлакатларда минглаб жамоат ташкилотлари мавжуд-ку? — деган савол пайдо бўлиши табиий. Илғор мамлакатлар тажрибаси бу саволга ҳам аллақачон жавоб берган. Аҳоли-

лакатимизда улар уч мингдан ортиқ бўлиши мумкин (мавжуд бўлиши билан бирга, қандайдир демократик давлат фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти бўлган сийёсий партияларни қўлаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан манфаатдордир.

пиши жараёнлари чуқурлашмоқда, сийёсий партиялар жамият ҳаётида ўз ўрнини топишга ҳаракат қилаётти. Лекин, уларнинг фаолияти ҳозирги давр талабларига жавоб бермоқда, деб айтишга ҳали эрта. Юртбошимиз айтганларидай, улар заиф ва мўрт ҳолатидан чиқиб, ўз фаолиятини жонлантиришлари зарур.

Энди айрим фуқаролар томонидан билдирилган «Сийёсий партияларнинг ўзи керакми, улар баъзи бир хо-

лакатимизда улар уч мингдан ортиқ бўлиши мумкин (мавжуд бўлиши билан бирга, қандайдир демократик давлат фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти бўлган сийёсий партияларни қўлаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан манфаатдордир.

Узбекистонда сийёсий партияларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши учун зарур имкониятлар тобора кенгаймоқда. Асосий Қонунимиздаги фуқароларнинг сийёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунда жамоат бирлашмалари, Сийёсий партиялар, Сайловлар тўғрисидаги ва бошқа қонунларда ривожлантирилиб, ўзининг аниқ ифодасини топди.

Юртбошимиз янги тузила-

шган жараёнлари чуқурлашмоқда, сийёсий партиялар жамият ҳаётида ўз ўрнини топишга ҳаракат қилаётти. Лекин, уларнинг фаолияти ҳозирги давр талабларига жавоб бермоқда, деб айтишга ҳали эрта. Юртбошимиз айтганларидай, улар заиф ва мўрт ҳолатидан чиқиб, ўз фаолиятини жонлантиришлари зарур.

Долзарб мавзу

Ҳар кун озиқ-овқатимиз таркибидан муқаррар ўзин олган ва унга ажиб таъм, мазза киритувчи ош тузимиз бугунги кун талабларига жавоб берадими? Улар истеъмолга жаҳон стандартлари ва сертификатлари қўра тайёрланган ҳолда чиқарилаётгани ишончлигимиз қанчалик? Таркибидан инсон организмидан зарур микроэлементлар софлиги ва йодланганлик даражасининг табиий меъёрига қафолатингиз борми?..

Газетамизнинг Сурхондарё бўлими бўйича ўз муҳбири ўшбу соҳадаги мавжуд муаммоларга ечим излаб, тизим корхоналарининг раҳбарлари, мутахассислари ҳамда табиий вақиллари билан ҳамкорликда таҳлилий изланишлар олиб боришди.

БУҚОҚ — ХАВФЛИ ДАРД

Сурхондарёда Серка Каттаев деган эндокринолог врач бор. Табиий фанлари номзоиди. Кўп йиллар вилоят эндокринология диспансерида бош врач бўлиб ишлаган. Матбуотда тез-тез мақолалари билан қатнашиб турди. Ҳозир ўзининг хусусий эндокринология клиникаси бор.



— Буқоқ касаллигини кўплар оддий дард деб тушунади, вақтида даволанганимизда, аслида бу касаллик жуда оғир асоратларни келтирилади, — деб қолди у бир гал «Буқоқ ва унинг муаммолари», деб номланган китобчасини тўтказаркан. — Ҳозир у энг кўп тарқалган хасталиклардан... Инсон организмидан йод етишмаслигидан пайдо бўлади. Уқиб кўринг, фикрингизни айтасиз...

Китобни ваққайламан: «... Дунёда 1,5-2 миллиардга яқин киши шу хасталикка қай даражададир алоқадор бўлиб, 760 миллион одамда буқоқ касаллиги мавжуд. Чунки кўпгина мамлакатларда йод танқислиги бор. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг тупроғида ҳам, сувидан ҳам йод миқдори кам. Биз истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларида ҳам йод миқдори ниҳоятда кам. Ҳаттоки, балчиқ ҳам. Чунки, биз денгиз, океанлар баглигини истеъмол қилаётганимиз йўқ. Мева-чева, сабзавот ва полив маҳсулотларидан ҳам қанча кўп истеъмол қилсакда, улардаги йод биз учун камлик қиларкан...»

Ҳўш, муаммога қай тариқа ечим топса бўлади? — Саволга жавоб беришдан олдин, йод танқислиги натижасида пайдо бўладиган эндокринологик хасталик ва унинг янгилик оқибатлари ҳақида маълумотга эга бўлиш керак, — дейди С.КАТТАЕВ. — Чунки, бугунги кунда ёшларнинг ҳам 40-45 фоизи ана шу дардга чалинган. Организм йод танқислиги ҳолатида қалқонсимон без, йодли гармонлар — тироксин ва трийотиронин ҳам ишлаб чиқаради. Натижада инсон саломатлигига дарз кетиб, асабийлашуви, бўй ўсмай қолиши, бешушлик, оёқ-қўлларнинг қалтириши, турли ошқозон-ичак касалликлари ва бошқа хил дардларга мубтало бўлишади.

Бундан ташқари, бу хасталик биргина қалқонсимон безга эмас, балки бутун организм учун жуда муҳим органларга таъсир этиб, инчақларда озиқ-овқат сўрилишига, ингичка ичак шиллиқ қаватининг касалланишига (сиду), узоқ муддат и кетиши, жигар циррози ва аёлларда ҳомиладорликнинг пасайишига олиб келади. — Энг даҳшатлиси шундаки, — сўз-батта қўлини вилоят эндокринология диспансери бош ҳасими Беғам ҚУРБОНОВ, — организмда йод етиш-

мовчилиги натижасида ақлий заифлик, кар-соқовлик, гилайлик, ҳомиладор аёлларнинг бола ташлаши, норасидани ўлик ҳолда туғиш ва чақалоқларнинг турли туғма нуқсонлар билан дунёга келиши каби ҳолатлар қайд этилади. Ҳатто саратон — рак касаллигини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Ҳозирги пайтда ҳар уч одамнинг бирида йод танқислиги қайд этилмоқда... Шу диспансер МАЪЛУМОТЛАРИ-ДАН:

«... биргина Термиз шаҳри аҳолисининг 8545 нафари умумий қўриқдан ўтказилганда 4136 нафаридеки 46 фоизи (Й)да эндокрин хасталиклиги мавжудлиги қайд этилган. Энг ачинарлиси, бу кўрсаткичларнинг асосий қисми усмир ёшдаги болаларга тўғри келган. Сурхондарё вилоятининг Қизирик, Сароисё, Шўрчи, Узун туманлари аҳолиси бўйича ўтказилган профилактик кўрик натижалари ҳам ҳақиқатда аҳолининг ниҳоят даражада ёмонлигини кўрсатди. Буни қарангки, ўтказилган текширув натижасида Узун тумани бўйича кўрсаткич 60 фоизни ташкил этган...»

— Ёшим 20 да, — дейди шифохонада даволанаётган шерободлик Гули ПИРМАНОВА. — Аввалига нафасим қисилмаган, юрагим, бошим қаттиқ оғрийдиган бўлди. Сўнг сал нарисага асабийлашадиган, қўлоқларим уеушиб, шийиб кетадиган бўлди. Қўлим ишга бормади, тез ҳолсизланардим. Агар ҳаяжонланадиган ёки озгина хафа бўлсам бўғилиб, нафас олишим қийинлашарди. Лекин даволанганим ўйлабман, бу ҳолат ўтиб кетар деган ўйда эдим. Ўтиб кетмади. Аҳолим ёмонлашди. Мана, дўхтирга келдим...» — Яқинда хузуридаги таниқли бир одамнинг фарзанди келди, — дейди

С.Каттаев — кўринишдан соғлом, саломатлигидан шикоят йўқдек. Аммо бир қарашдаёқ унинг ниҳоятда асабий ва ўзини йўқотиб қўра даражага келганлигини пайқадим. Дастлабки сўхбатдаёқ — маълум бўлдики, йигит болалигидан буқоқ касаллиги билан оғриган. Аммо, даволанмаган. Ўзининг айтишича, уйланганига бир йилдан ошган бўлсада, ўзидан кўнгли тўлмаган...

Текширув натижалари шуни кўрсатдики, йигит нафақат жинсий заиф, балки қатор туғма нуқсонларга ҳам эга эди... — Аскарликка қақриш ёшдаги ўсмирларнинг 35-40 фоизиде йод танқислигидан келиб чиқадиган хасталиклар амаллари сезилмоқда, — дея таассуф билан гапирди Қўмқўроқ тумани ҳокимлиги мудофаса ишлари бўлими ҳодими Ж.ЕДИКОВ.

— Ҳозирги пайтда аёллар, айниқса, қиллоқ ёшларининг кўпчилиги йод етишмовчилиги туфайли турли эндокринологик хасталикларга чалинган. Шу туфайли ҳам бемор аёлларда ҳомиладорлик пайтида ёки туғуруқ жараёнларида салбий асоратлар юзага келаяпти, — дейди Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бош-

ни қарийб тўла таъминлаш қувватига эга «Ҳўжайон туз» кони мавжуд. Мутахассислар фикрича, «Ҳўжайон»нинг тузи жуда сифатли бўлиб, таркибиде 90 фоизга яқин натрий хлорид мавжуд. Лекин...

ТУЗ ЙОДЛАНАЙТИМИ? ХА ВА ЙҮҚ...

Бундай дейишимизга асослар бор. Вилоят ҳокимлиги нашри «Сурхон» газетаси шу йил 31 март сониде «Тузингизда йод борми?» деб номланган мақолада шундай ёздади: «Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳам тузи йодлаш ҳақида қонун қабул қилинган. Масалан, Швейцарияда бу борада 1924 йил қонун қабул қилиниб, 1930 йилда қўлга кирган. Кейинги маълумотларга қараганда, бу ҳақда 87 та мамлакат қонун қабул қилинган. Демак, кўринадикки, тузи йодлаш катта ҳаётий аҳамиятга эга...»

Ўзбекистон олимлари бекорга бонг урмайптилар. Юқорида эслатганимиздек, улар олти-етти йилдан бунён шу ҳақда гапириб, ёзиб келмоқдалар. Лекин, ҳалигача тош ҳийлдан силжиган эмас. Келинг, бу гапларини исботламоқ учун далилларга

тига қўра 3 минг тоннага яқин ош тузи ишлаб чиқарилиди ва у белгиланган талаб даражасида йодланди.

УНДА ГАП НИМАДА?

— Гап ишлаб чиқарилаётган тузининг сифат даражасига бориб тақалди, — дея изох берди яна С.Каттаев. — Мен айнан шу масалани 7-8 йилдан бунён ўрганиб, уни махсус лаборатория текширувларидан ўтказганман. Маълум бўляптики, махсус илмий халтчаларда қирийли қадқолланаётган 1-навли ва олий навли ош тузларида 3 фоиз цемент, 7 фоиз лайка, кум, тувроқ, алебастер, 12 фоиз оҳак ва бошқа жинслар учраётти.

Бу сўзлар тажрибали мутахассис хулосалари бўлса-да, одамнинг ишонгиси келмайдди. Демак, жами 22 фоиз (инсон мулқо истеъмол қилиши мумкин бўлмаган) чўқмаларни одамлар «ғинг» демасдан истеъмол қилишяптими-а. Наҳотки, биз ҳар кун истеъмол қилаётган туз шу даражада ифлос бўлса?

— Бўлганда қанқоқ? — Каттаев ўзи ҳар доим кўтариб юрадиган дипломат оғзини очди ва ундан 1 литрлик сиймигда туз эритилган идиш

4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имкони туғулади. Шунда, нафақат мамлакат эҳтиёжи учун, балки хорижга ҳам экспорт қилса бўладиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва олинмаган кредитни ҳам бемалол икки-уч йилда қайтарिश мумкин бўлади.

Ҳозир корхонада ишлаб чиқарилаётган ош тузининг бир килоси (нави-га қараб) 23 сўмдан 45 сўмга, техник тузники — 8 сўм эканлигини наларда тутадиган бўлсак бозорда қадқолланган «экстра» тузининг нархи неча сўми? 500 граммнинг ўзиёқ қамиде 200-250 сўм. Шундай экан, корхонага шахсиз, амалий ўрдам келсин.

— «Ҳўжайон»да ишлаб чиқарилаётган ош тузи базан истеъмолга яроқсизлиги ҳақида гап-сўзлар бўляпти... Сиз бунга нима дейсиз? — сўрадик яна ундан.

— Бу гапларда ҳам жон бор, — деди у афсус билан, — аммо ҳамма гап — айрим ноинсоф кишиларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари-да... Улар ош тузига техник тузларни қўшиб ёки ялама (чорва учун) тузларни қўлиб-ла теғирмонларда майдалаб сотишмоқда. Натижада ким ёмонотлик — «Ҳўжайон»... Нафс йўлида ҳеч нар-

сифатида сотмоқчи бўлганлиги аниқлиниб, тўлиқ ҳужжатлаштирилди ва ундан 36 тонна — 436060 сўмлик ош тузи ашёвий далиллар сифатида олинди.

Мазкур ҳолат бўйича фуқаро Холмўмин Жумаев ва Очил Мардонларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 188-моддаси 2-қисми «Б» ва «В» бандлари билан жиноий иш қўзғатилди.

О.ҚУЛИОВ, вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖ бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

«Сурхондарё вилоят стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш миқтақа маркази»дан олинган маълумотномада қўлбола тайёрланаётган тузлар физик-кимёвий таркиби лаборатория таҳлилидан ўтказилганда давлат стандарти талабига жавоб бера олмаслиги, яъни йодланган даражаси умуман йўқлиги кўрсатилган.

Кўриб турибдикки, ош тузи ишлаб чиқариш ва уни белгиланган миқдорда йодлаш, аҳолини сифатли ош тузи билан таъминлаш масаласи шунчаки оддий бир муаммо эмас. Йод танқислигига барҳам бериш, айтиш мумкинки, ҳозир дунё муаммоларидан бирига айланмоқда. Бунинг ёрқин исботи тариқасида мулоҳазаларимизни «Аргументы и факты» газетасида шу йил апрель ойида босилган «Йод против идиотизма нации», деб номланган мақоладаги фикрлар билан тўлдирмоқчимиз:

«Российяликларнинг 80 фоизиде йод етишмайди, мутахассисларнинг ҳисоб-киتابларига қараганда бунинг эвазига Россияда ҳар йили 10-15 фоизга қадар ақл-заковат соҳиблар йўқолиб борапти. Гап «ақли қалқонларнинг чет элга кетиб қолаётганилигиде эмас, балки давлатнинг барча ҳудудларида йоднинг камёб эканлигиде, яъни организмларда бу модданинг етишмаётганлигидир. Натижада, қўп болалар ақдан ва жисмонан заиф туғилмоқда ва кредитизм (қалқонсимон безлар функцияси заифлашиб, жисмоний ва руҳий жиҳатдан ўсмай қолишидан иборат ҳужжатсиз ва белгиланмаган жойда туз маҳсулотлари билан савдо қилаётганлиги аниқлиниб, ундан ашёвий далил сифатида 500 кг. туз маҳсулоти олинди...»

Шеробод туман СВОЖЖ бўлимининг тезкор маълумотларига қўра, 2002 йил 23 апрель куни Термиз тумани «Намуна» жамоа ҳўжалигида жойлашган «Поён ўли Мардоний» хусусий фирмаси бошлиғи Холмўмин Жумаев мазкур жамоа ҳўжалида яшовчи фуқаро Очил Мардондан билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, Шеробод туманида жойлашган «Ҳўжайон туз» хисасдорлик жамиятидан шартнома орқали туз олиб, Шеробод туман «Қўхитанг» жамоа ҳўжалиги, Пўшурт кишлоғида ижарага уй олиб, қонунга хилоф равишда, ҳеч қандай ҳужжатсиз, назорат қилинмайдиган даромад олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини бунёд, яширин ҳолда ош тузи қадқоқлайдиган цех очиб, ош тузи маҳсулотларига ҳеч қандай қўшимча ишлов бермасдан, давлат меъёрий талабларига мос келмайдиган ва истеъмолга яроқсиз бўлган ош тузини қалбаки тайёрланган целлофан халтчаларга қадқоқлаб, сертификат олмаган ҳолда олий навли ош тузи

савдан тап тортмаётган бундай одамлар эл-юртга, миллат келажакига нечоғлиқ зиён-заҳмат етказишяптими?.. Маълумотнома: «Денув туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖ бўлимининг тезкор маълумотларига қўра, 2002 йил 30 май куни ўтказилган тадбир натижасида Денув туман Охунбобоев кўчаси, 5-уйда яшовчи фуқаро Дилфуза Хайитова ҳеч қандай ҳужжатсиз ва белгиланмаган жойда туз маҳсулотлари билан савдо қилаётганлиги аниқлиниб, ундан ашёвий далил сифатида 500 кг. туз маҳсулоти олинди...» Шеробод туман СВОЖЖ бўлимининг тезкор маълумотларига қўра, 2002 йил 23 апрель куни Термиз тумани «Намуна» жамоа ҳўжалигида жойлашган «Поён ўли Мардоний» хусусий фирмаси бошлиғи Холмўмин Жумаев мазкур жамоа ҳўжалида яшовчи фуқаро Очил Мардондан билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, Шеробод туманида жойлашган «Ҳўжайон туз» хисасдорлик жамиятидан шартнома орқали туз олиб, Шеробод туман «Қўхитанг» жамоа ҳўжалиги, Пўшурт кишлоғида ижарага уй олиб, қонунга хилоф равишда, ҳеч қандай ҳужжатсиз, назорат қилинмайдиган даромад олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини бунёд, яширин ҳолда ош тузи қадқоқлайдиган цех очиб, ош тузи маҳсулотларига ҳеч қандай қўшимча ишлов бермасдан, давлат меъёрий талабларига мос келмайдиган ва истеъмолга яроқсиз бўлган ош тузини қалбаки тайёрланган целлофан халтчаларга қадқоқлаб, сертификат олмаган ҳолда олий навли ош тузи

Матлакатимизда соғлом авлод тарбияси, миллат саломатлиги масаласига қандай эътибор берилаётгани ҳаммаимизга маълум. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар спортини ривожлантириш, вилоят ва туман касалхоналарини замонавий табиий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш масалаларида қанчадан-қанча ишлар баҳариялти. Ана шундай бир пайтда сифатсиз тузи истеъмол қилиш оқибатида одамлар қанчалик зиён-заҳмат қўраётгани, миллат саломатлиги йўлида ҳуқумат томонидан амалга оширилаётган ишларга путур етаётганини ким йўлаб кўради?

Абдурашад ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» муҳбири



ЯШИЛ МАЙДОНДА 16 ЖАМОА

БУГУН ПОРТУГАЛИЯДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Курраи замин узра ажиб бир нафас кезмоқда. Бу нафаснинг охиринчиси шунчалар кучлики, куюнчак мухлислари хар нарсадан кечишга, қолаверса, тунларни бедор ўтказишга, бахс-мунозарарга ундайди. Боиси, футбол энг кизиқарли, энг жозибадор ва ҳаяжонли, тасодифларга бой спорт тури.

Шундай қилиб, бугун Европада катта футбол байрами. Чемпионатнинг финал ўйинларида иштирок этиш бахтига муяссар бўлган 16 жамоа тўрт гуруҳга бўлиниб майдонга тушади. Мухлислар кўнглида эса ўйнаб саволлар: Қайси жамоа чемпион бўлади? Гуруҳлардаги учрашувлар қандай кечаркин? Ким энг яхши тўпурар бўларкин? Чемпионатда янги юдузлар «кашф» этилармикин? Саволлар, тахминлар... Жавобларни эса қарийб 25 кунлик вақт кўрсатади.

Мутахассислар «D» гуруҳи хусусида ўзгача фикр билдиришмоқда. Гуруҳдаги Голландия, Германия, Латвия ва Чехия футболчилари ҳақида қисқача фикр юритадиган бўлсак, баъзи нарсалар ойдинлашгандек бўлади. Айтилик, Германия жамоаси 3 марта жаҳон чемпиони бўлган. 4 карра жаҳон вице-чемпиони саналади. Икки маротаба ана шундай нуфузли мусобақада 3-урини эгаллаган. 3 маротаба қитъа чемпиони бўлган, 2 марта Европа вице-чемпионидир. Кўриниб турибдики, немис футболчиларининг ютуқлари чакки эмас. Футбол ишқибозлари уларнинг ниҳоятда босиқ ва совуққонлик билан тўп суришлари, аниқликка риоя қилишларини кузатган. Бу борада голландлар ҳам бўш келишмаган. 1974 ва

1978 йилларда жаҳон вице-чемпиони бўлишган. 1988 йили Европа чемпиони ва икки маротаба олимпия ўйинлари бронза медали соҳиби бўлишган. Голландларнинг Европа футболга хос ўйинлари миллионларни ром этаётгани табиий.

Хўш, ушбу гуруҳдаги Чехия ва Латвия футболчилари ҳақида нималар дейиш мумкин? Чехлар бир маротаба Европа чемпиони бўлиб, яна бир карра вице-чемпионликни қўлга киритган. Икки маротаба жаҳон вице-чемпионидир. Олимпия ўйинларида голиб келишган.

Латвия терма жамоаси қитъа чемпиони саралаш баҳсларида уч марта иштирок этган. Чемпионатнинг финал қисмида эса илк бор қатнашиши. Кўриниб турибдики, бу гуруҳда ҳужумкорлик «маснадини» тўхтатмай «ҳайдайди» жамоа кўпроқ Германия билан Голландияга тўғри келадиганга ўхшайди. Балки чехлар ҳам буш келишмас.

Умуман олганда, чемпионатнинг финал қисмида иштирок этишининг ўзи бўлмайди. Катта футбол бошланиши арафасида манамен деган билан иштиробоз ҳам фалон гуруҳда ўйинлар осон кечади,

дея олмайди. «А» гуруҳидаги мезбонлар — Португалия футболчилари осонликча ён беради, деб бўладими? Россияликлар бу гал финалгача етиб борармикин? Греция ва Испания жамоалари ҳам пухта ҳозирлик қўришган. «В» гуруҳида эса французларнинг имкониятлари кўпроқ кўринади. Шунингдек, инглизлар ҳам голиб бўлиш учун майдонга тушиши аниқ. Хорватия ҳамда Швейцария футболчиларининг имкониятлари қандайлигини мухлислар яхши билишади. Кўпчилик «С» гуруҳига кирган Италия жамоасининг бу йилги чемпионатда омади

келади, демоқда. Ушбу гуруҳдаги Дания, Болгария, Швеция жамоалари имкониятларини асло ҳаёлдан чиқармаслик керак.

Шу ўринда Россия терма жамоасининг бу йилги имкониятлари ҳақида икки оғиз сўз айтмаса бўлмайдиганга ўхшайди. Гап шундаки, терма жамоа бош мураббийи Георгий Ярцевнинг шашти баланд. У ҳимоя ва ҳужум чизиқларини мустаҳкамлаш, шогирдлари юзи ёрғ бўлиши йўлида барча имкониятлардан фойдаланмоқчи. Жамоа сардори Алексей Смертин эса фақат галаба ҳақида ўйламоқда. Ярцевнинг фикрича, яшил майдонга 3 дарвозабон, 5 ҳимоячи, 11 ярим ҳимоячи ва 4 ҳужумчи тушиши мумкин.

Шундай қилиб, бугун Португалия — Греция учрашуви билан Европа чемпиони бошланади. Мухлислар кўп ўтмай дастлабки галаба ва биринчи тўп соҳибини билиб оладилар. Миллионаб футбол мухлислари ҳакамларнинг ҳаракатларини, мураббийларнинг меҳнатларини баҳолайдилар.

Мезбонлар эса футбол байрамига пухта ҳозирлик қўришган. Улар қандай бўлмасин мухлису футболчиларга барча шароитларни муҳайё қилиш, меҳмондорчиликни ўрнига қўйиш ҳақида Португалияга таширф буюрган хар бир ишқибозга мамлакатнинг бой маданий меросидан баҳраманд бўлиш имконияти яратилади. Нима бўлганда ҳам меҳмонлар катта футбол байрами ўтказилувчи юртдан бой таассуротлар билан қайтишлари керак. Футбол байрамида фаол ишлайдиган 10 мингга яқин мухбир, дунёнинг турли бурчақларига учрашувларни олиб кўрсатишга шай бўлиб турган телестудиялар хизмати ҳақида гапирмасам ҳам бўлади.

Бир сўз билан айтганда, катта футбол байрамидан мамлакатимизнинг миллионлаб ишқибозлари ҳам олам-олам эваз олиши аниқ.

Ҳайдар НОСИРОВ,
Равшан ШОДИЕВ

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ ?!

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради.
САВОЛ: Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини чеклашга йўл қўйиладими?

Д. Фахриддинов, Фарғона вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 23-моддасига мувофиқ қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан ташқари, ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати чеклаши мумкин эмас.

Фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклашнинг қонунда белгиланган шартлари ва тартибига риоя қилмаслик давлат органининг тегишли чеклашни белгилайдиган ҳужжати ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқатидан ёки муомала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиши ва ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир, бундай битимларга қонун томонидан йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

САВОЛ: Фуқаро қайси пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли ҳисобланади?

Э. Жуманазаров, Наманган вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-моддасига асосан, фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан, агар қонун ҳужжатларидан ёки ҳуқуқий муносабат моҳиятидан бошқача тартиб аниқлашилмаса, ушбу Кодекснинг қоидалари қўлланилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан ушбу модданинг биринчи қисми талабларини бузган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро тузган битимлар хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини вақ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас. Суд бундай битимларга ушбу Кодекснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларини қўллаши мумкин.

Ҳикматли сўзлар маъноси

ОТ БИЛАН ҚУРОЛ ЭГА ТАНЛАМАС

Бу мақол билан: «От учун ҳам, қурол учун ҳам эгаси ким бўлишининг фарқи йўқ. Хар иккаласи ҳам бугун сенга хизмат қилаётган бўлса, эртага душман қўлига ўтиб қолса, унга хизмат қилаверади. Тутуриқсиз, беқарор, иккиюзламачи, соткин одам ҳам шундай: хоҳ моддий-маънавий, хоҳ жисмоний тарафдан, ё бошқа бирор жиҳатдан сендан фойдаланиб тургани учун дўст бўлиб, хизмат қилиб, яхши муомалада бўлиб юради-да, сендан фойда тегмай қолса ё бошқа бировдан дурустроқ фойда тегадиган бўлиб қолса, сени тарк этиб, юз ўгириб, унинг тарафига ўтиб олади, унинг хизматида бўлиб, ҳатто сенга қарши хатти-харакатлар қилади. Шунинг учун, жамиятда яшайсанми, дўст ким, душман ким — яхши билиб, ажратиб ол», деб зийраклик, ҳушёрликка ундайдилар.

Ўйинлар жадвали		
«А» гуруҳи:	«С» гуруҳи:	1/4 финал:
Португалия, Испания, Россия, Греция.	Италия, Дания, Швеция, Болгария.	
12 июнь Португалия — Греция Испания — Россия	14 июнь Дания — Италия Швеция — Болгария	25. 24 июнь —B2
16 июнь Греция — Испания Россия — Португалия	18 июнь Болгария — Дания Италия — Швеция	26. 25 июнь —A2
20 июнь Испания — Португалия Россия — Греция	22 июнь Италия — Болгария Дания — Швеция	27. 26 июнь —D2
		28. 27 июнь —C2
«В» гуруҳи:	«D» гуруҳи:	1/2 финал:
Франция, Англия, Хорватия, Швейцария.	Германия, Голландия, Чехия, Латвия.	
13 июнь Швейцария — Хорватия Франция — Англия	15 июнь Германия — Голландия Чехия — Латвия	25 —27
17 июнь Англия — Швейцария Хорватия — Франция	19 июнь Латвия — Германия Голландия — Чехия	26 —28
21 июнь Хорватия — Англия Швейцария — Франция	23 июнь Голландия — Латвия Германия — Чехия	ФИНАЛ: 4 июль

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига ўқиш истагида бўлган муддатли ҳарбий муқобил хизматни

ЎТАБ ҚАЙТГАН ЁШЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сизлар учун Ўзбекистон Миллий университетига механика-математика, физика, кимё, биология, география, компьютер технологиялари, ҳуқуқшунослик, тарих, фалсафа, иқтисодиёт, журналистика, хоризжий филология (инглиз, француз, немис, рус филологияси), ўзбек филологияси, ижтимоий-сиёсий фанлар факультетларининг барча йўналишлари бўйича 2004 йил 7 июнидан 28 июлигача бепул махсус тайёрлов курслари ташкил қилинди.

Ушбу курсларда университетнинг юқори малакали педагоглари дарс беришади.

Сизни қизиқтирган барча маълумотлар ва университет таълим йўналишлари ҳақида қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.
700174. Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Физика факультети биноси, ЎЗМУ тайёрлов факультети, 2-қават, 224-хона.
Телефон: (3712) 46-02-02 NUU.UZ

ЎЗМУ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ



ХАЛҚ БАНКИ
Янги «Совга» қисқа муддатли, пул-буюм ютуқли омонат турини амалиётга жорий этди.

Омонатга пул маблағлари 120 кун муддатга, қалида 10000 сўм шикдорда Халқ банкнинг барча муассасалари орқали 2005 йилнинг 1 январьгача қабул қилинади.

«Совга» омонати бўйича ютуқлар тиражи жорий йилнинг сентябрь ойида Андижон ҳамда 2005 йилнинг январь ойида Халқал шаҳрида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 173-69-15, 173-69-16 (ички 126, 109)

ЎЗБЕКISTON — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
КЎШМА КОРХОНАСИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.

Товар сертификатланган.

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49. Email: jvsilkroad@inbox.ru

ОАО «РИШТОН ТЕКС»

Выполняя решение акционеров, протокол №3 внеочередного собрания (пункты 1,2,3) и поручение Наблюдательного совета протокол № 3 от 9 июня 2004 года объявляет свободную продажу акций на фондовой бирже в количестве 78125 шт. по стартовой цене 617 сум за одну акцию десятью лотами в равных долях.

Продажа начнется через 15 рабочих дней со дня выхода настоящего объявления.

Исполнительный орган ОАО «Риштон ТЕКС»

В соответствии с Постановлением Правительства Республики Узбекистан, «О приватизации объектов соцукультыбыта системы ГАК «Узбекэнерго», Ташкентская ТЭС объявляет о продаже Дворца культуры «Энергетик», находящегося по адресу: г.Ташкент, Юнусабадский район, микрорайон ТашГРЭС (напротив Агроуниверситета).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти Избоскан туман партия кенгаши биринчи котиби
Жўрабек МАМАЖОНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla O'RIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobol SHAKAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
«Golos Uzbekistana»
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI MARKAZIY
KENGASHI

BO'LIMLARI:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot
133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifot
133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib
133-72-83
Reklama va e'lonlar
133-38-55, 133-47-80,
133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.

Naybatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonamanzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan royxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
F — 765

10111 nusxada bosildi
I — Tijorat materiali
Topshirish vaqi 1.00.
Topshirildi — 22.30
1 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA